

O'ZBEKISTON TARIXI

HISTORY OF UZBEKISTAN

3/2019





O'ZBEKISTON
FANLAR AKADEMIYASI

3
2019

Jurnalga 1998-yil iyulda
asos solindi.

*Bir yilda to'rt marta
chiqadi.*

© O'zbekiston Respublikasi
Fanlar akademiyasi

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI

O'ZBEKISTON TARIXI

Илмий журнал

МУНДАРИЖА

- Ғ. Бобоёров.** Ғарбий Турк хоқонлиги Ашина сулоласининг Фарғонадаги тармоғи тарихига доир 3
Г. Таниева. Ялангўш Баҳодирнинг Бухоро хонлиги сиёсий барқарорлигини таъминлашдаги ўрни 20
Д. Сайфуллаев. Франция ва Германия давлатлари маданий дипломатияси ва уни Ўзбекистонда амалга ошириш жараёнлари 32

Тарих ҳужжатлар тили билан

- Н. Аллаева.** XIX аср ўрталарида Ўрта Осиёдаги сиёсий вазият ва унинг расмий ҳужжатларда акс этиши 43

Тарихда шахслар

- К. Воҳидова.** Исоқхон Ибратнинг давр ижтимоий масалаларига қарашлари 54
Э. Раджапов. XX асрнинг 30-йилларида ўзбек ҳарбий кадрлар элитасининг қатағон этилиши тарихидан: Абдужалил Абдуллаев тақдири 63

Тарих ва социология

- М. Ғаффорова.** Ўзбекистонда хотин-қизлар мавқеининг оширилиши ва манфаатларини ҳимоя қилиниши: тарихий-социологик таҳлил 70

Ёш тадқиқотчи минбари

- Н. Каримов.** Хорижда Ҳаким Термизий мактабининг ўрганилишига доир 84

Илмий ҳаёт

- “Ўзбекистон давлатчилиги тарихида Хоразм” мавзусидаги II Республика илмий конференцияси. **М. Шамсиев** 100
“Медиа майдонда тарих фани ва архившунослик интеграцияси муаммолари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияси ҳақида. **М. Исхакова, М. Дармонова** 102
“Марказий Осиё ва Ўзбекистон тарихи: янги изланишлар ва янги натижалар” мавзусидаги халқаро конференция ҳақида. **Ш. Асадова** 105

Э. РАДЖАПОВ

**XX АСРНИНГ 30-ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕК ҲАРБИЙ КАДРЛАР
ЭЛИТАСИНИНГ КАТАҒОН ЭТИЛИШИ ТАРИХИДАН:
АБДУЖАЛИЛ АБДУЛЛАЕВ ТАҚДИРИ**

Ҳарбий кадрлар тарихининг қайси даврида бўлмасин давлатнинг асосий таянчи ва ҳимоячиси бўлиб келган. Шу сабабли ўзбек давлатчилиги тарихининг ҳар бир босқичида ҳарбий соҳа ва қуроли кучлар муҳим аҳамият касб этган. Ўзбекистон ҳудудида қадим даврдан тараққий топган ҳарбий соҳа хонликлари даврига келиб турғунлик даврини бошидан кечирди ва бу ҳолат Ўрта Осиё хонликларининг Россия империяси асоратига тушиб қолишига бош сабаблардан бири бўлди. Россия мустамлакачилиги даврида империя манфаатлари юзасидан маҳаллий аҳоли ҳарбий соҳадан атайин узоклаштирилди. Совет тартиботига қарши бошланган қуроли ҳаракат совет ҳокимиятининг ҳарбий соҳани Туркистон минтақасида ислоҳ этишига, маҳаллий аҳоли вакиллари ҳам қизил кўшин сафларига сафарбар этишга мажбур этди. Совет ҳокимияти йилларида ўзбек миллати орасидан С. Худоёрхонов¹, Р. Ёқубов², М. Миршаропов³, Ф. Норхўжа-

¹ Саййид Азаматбек Худоёрхонов – 1888 йил 20 июлда Тошкентда туғилган бўлиб, отаси Саййид Муҳаммад Аминбек касбий фаолияти ҳарбий бўлган. 1907 йилда Оренбургдаги 2-кадет корпусини, 1909 йилда эса Александровск ҳарбий билим юртини тамомлаган. Дастлабки ҳарбий фаолиятини 2-Сибир полкида бошлаган бўлса, 1912 йилда 1-Туркистон артиллерия дивизионида командир вазифасида фаолият юритган. 1 жаҳон уруши бошлангач 1914 йилда фронтга келган ҳамда Ғарбий фронтда немис кўшинларига қарши жангларда қатнашган. Юқори даражадаги ҳарбий фаолияти ва ҳарбий топшириқларни аъло даражада олиб борганлиги сабабли Георгий хочи билан тақдирланиб, штаб капитани даражасигача кўтарилган. *Бу ҳақида қаранг:* Норхўжаев Ф. 50 йил жанговар постда. Тошкент: Ўзбекистон. 1982. 39–40-бетлар.

² Ёқубов Ризо Абдуллаевич – 1898 йил 5 майда Зомингузар (ҳозирги Самарқанд вилояти) кишлоғида қосиб оиласида туғилган. 1924 йилнинг январидан 1927 йил 22 августигача бўлган даврда у Тошкент шаҳридаги Ўрта Осиё Ҳарбий округи (САВО)нинг Туркистон fronti қисмлари учун ўрта пиёда ва отлик қўмондонлар тайёрловчи Ўрта Осиё бирлашган ҳарбий мактаби раҳбари лавозимида фаолият юритган. СССР Мудофаа Халқ Комиссариатининг 1935 йил 26 ноябрдаги № 2484 – сонли шахсий таркиб тўғрисидаги буйруғи ҳамда СССР Халқ Комиссарлар Кенгашининг 1935 йил 22 сентябрдаги “ИДҚА раҳбарлик таркибидаги шахсий ҳарбий унвонлар тўғрисида”ги қарорига кўра Р. Ёқубовга комбриг ҳарбий унвони берилди. 1938 йил ва 1949 йилда 2 марта катағонга учраган. Ризо Ёқубов 1957 йил 23 апрелда вафот этган. *Бу ҳақида қаранг:* Раджапов Э.Г. Миллий ҳарбий кадрлар корпуси вакили – Ризо Ёқубов // Ўзбекистон тарихи. 2014. № 1. 56–64-бетлар.

³ Миркомил Миршаропов (1900–1938) – ҳарбий арбоб. Авлиётога (ҳозирги Тороз) шаҳрида туғилган. Рус-тузем мактабини тугатган (1914). 1917 йилда Тошкентга кўчиб келган. Хоразм Халқ Совет Республикаси ҳарбий ноziри (1921), ноziр муовини (1924). У ХХСРда миллий кўшин тузишга алоҳида эътибор қаратди. Москвадаги ҳарбий академияда ўқиди (1925–1929). 19-тоғли алоҳида отлик Ўзбек дивизияси қўмондони ва комиссари (1932–1935). *Бу ҳақида қаранг:* Каримов Н.Ф. Ўзбек дивизиясининг тугатилиши // Гулистон. 2002. № 4.

ев⁴ каби истеъдодли ҳарбий мутахассислар авлоди етишиб чиқди. Аммо истеъдодли ўзбек ҳарбий кадрлар корпусининг аксарияти 1937–1938 йиллардаги Сталин катағонларининг бегуноҳ қурбони бўлдилар.

Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда амалга оширган катағон сиёсатининг қурбони бўлган шундай шахслардан бири ўз вақтида Ўзбекистоннинг фаҳри ҳисобланган 19-Ўзбек тоғ-отлик дивизияси 42-отлик полкининг сиёсий раҳбари (политрук) Абдуллаев Абдужалил Мирбоевичдир.

Бугунги кунга қадар Абдужалил Абдуллаевнинг шахси ва ҳарбий фаолияти тадқиқотчилар томонидан тадқиқ этилмаган мавзулардан саналади. Бунинг асосий сабабларидан бири совет ҳокимияти даврида адабиёт, санъат, фан ва маданият намояндалари катағон этилибгина қолмасдан, уларнинг илмий, адабий мероси, шахси ҳамда фаолияти акс эттирилган кўплаб адабиётлар, манбалар кутубхоналардан, китоб расталаридан мажбурий равишда йиғиб олинди. Шунингдек, катағон сиёсати қурбони бўлган адабиёт, фан, санъат намояндалари, атоқли олим ва зиёлилар, давлат арбоблари каби катағон сиёсати қурбони бўлган ҳарбий мутахассисларининг фаолиятини тадқиқ этишга йўл қўйилмаганида эди. Бундан ташқари катағонга учраган ўзбек миллий ҳарбий кадрлари фаолияти ва шахси ҳақидаги маълумотлар акс этган архив ҳужжатларининг салмоқли қисми бугунги кунда Россия Федерациясининг бир қатор ҳарбий архивларида сақланаётганлиги ҳам тадқиқотчига мазкур мавзунини тадқиқ этишни бир оз қийинлаштиради.

Архив маълумотларида ёзилган таржимаи ҳолига кўра, Абдуллаев Абдужалил Мирбоевич – 1903 йилда Тошкент шаҳрида хунарманд оиласида туғилган. Миллати – ўзбек. Қамоққа олинганга қадар Самарқанд шаҳри Абрамов бульвари, Всеобуч кўчаси 2-уйда истикомат қилган. 1917 йилгача пойафзал устахонасида ўқувчи бўлган ҳамда инқилобдан кейинги йилларда тирикчилик учун қосибчилик касби билан шуғулланган. А. Абдуллаевнинг 1938 йил тўлдирилган анкета варақасидаги оилавий аҳволи ва яқин қариндошлари тўғрисидаги маълумотларга кўра, отаси – Абдулла Мирбобоев, 75 ёшда (1863 йилда туғилган) бўлиб, А. Абдуллаевнинг акаси Абдуллаев Айюб қарамоғида яшаган. Акаси – Айюб Абдуллаев Тошкент трамвай депоси (Тоштрам) да кондуктор бўлиб ишлаган. 1924 йилда В.И. Ленин номидаги ҳарбий мактабни тамомлаб, 19-Ўзбек тоғ-отлик дивизияси 42-полкига келган.

⁴Норхўжаев Файзулла Хўжаевич – Наманган вилояти Чуст волостининг Қизилтепа қишлоғида туғилган. Ф.Х. Норхўжаев 1925 йилда Бухоро ҳарбий мактабига қабул қилинган.

Дивизия полкида бош сиёсий раҳбар (старший политрук) вазифасида ишлаган⁵.

Архив ҳужжатлари А. Абдуллаевнинг камокка олингунга қадар дивизиядаги ҳарбий фаолияти ва салоҳияти ҳақида айрим маълумотлар ва тасаввурларни беради.

Ҳужжатлардан маълум бўлишича, А. Абдуллаев 1931 йил июндан Алоҳида Ўзбек ўқчи батальони мактабига сиёсий раҳбар (политрук) лавозимига тавсия этилади. 1932 йил 3 апрелда унга берилган тавсифномада “Абдуллаев кучли ҳарбий салоҳиятга эга. Аммо ташаббускорлиги бироз суст. Интизомли мутахассис. Ҳарбий саф ҳамда сиёсий тайёргарлиги қониқарли. Қўл остидагилар билан муносабати яхши. Шахсий отиш (мерганлик) маҳорати яхши. Тавсия этилаётган хизмат вазифаси талабларига жавоб беради”⁶, – дея тавсиф берилади.

19-Ўзбек тоғ-отлик дивизиясининг таркибий қисмлари билан биргаликда А. Абдуллаев ҳам 1931 йилда Иброҳимбек қўрбоши гуруҳини тугатишга қарши қаратилган ҳарбий ҳаракатларда фаол иштирок этди. Иброҳимбек ва унинг гуруҳи тугатилгач, 1931 йил 7 ноябрда қўплаб ўзбек ҳарбийлари қатори А. Абдуллаев ҳам махсус жанговар курул билан тақдирланди⁷.

1937–1938 йиллардаги “Қатта қирғин” деб ном олган оммавий катағон авж олган йилларда ҳамкасблари қатори А. Абдуллаев ҳам “халқ душмани” сохта айблов билан катағонга учради.

У 19-Ўзбек тоғ-отлик дивизияси НКВД Давлат Хавфсизлиги Бош Бошқармаси (ГУГБ) махсус бўлими раҳбари Карпачевскийнинг 17-сонли ордери асосида 1938 йил 17 мартда камокка олинди. Орадан 9 кун ўтгач бу ҳақида Ишчи деҳқон қизил қўшини сиёсий бошқармаси ҳамда Ўрта Осиё Ҳарбий округи сиёсий бошқармаси раҳбарига 19-Ўзбек тоғ-отлик дивизияси сиёсий бўлими раҳбари вазифасини бажарувчи Лобач махсус маълумотнома юборади⁸.

Унга кўра, НКВД ходимлари Карпачевский, Васильевлар томонидан Ўз ССР Жиноят кодексининг 57-2, 64-, 67-моддалари бўйича,

⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи жорий архиви.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи жорий архиви.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи жорий архиви.

⁸ РГВА (Россия Давлат Ҳарбий архиви), 9-фонд, 36-рўйхат, 3021-иш, 137-варак.

яъни 19-Ўзбек тоғ-отлик дивизиясидаги мавжуд аксилинқилобий-миллатчилик ташкилотига аъзоликда ҳамда ташкилотнинг фаол аъзолари тарафидан совет ҳокимиятини тўнтаришга қаратилган топшириқларни бажарганликда, Ўзбекистон ССРни Совет Иттифоқидан ажратиб олишга уринганликда айбланди⁹. Карпачевский ҳамда Васильевлар ҳуқуқни муҳофаза этувчи орган ходимлари бўлишига қарамасдан А. Абдуллаевни ҳали айби исботланмасдан, гувоҳлар кўрсатмаларисиз жиноятчи санаши мустабид тузум қатағон сиёсатини амалга оширувчи механизмларнинг қай йўсинда ишлаганлигини кўрсатиб турибди.

Тергов мобайнида А. Абдуллаев гувоҳлар билан ҳам юзлаштирилмади, қўйилган айбловлар ҳуқуқий жиҳатдан асосланмади. 1938 йилнинг 22 май куни унинг “жиноий иши” СССР Олий суди Ҳарбий Коллегиясида кўриб чиқилди. Суд мажлисида у 19-Ўзбек тоғ-отлик дивизияси қисмларида мавжуд бўлган “аксилинқилобчи миллатчилик ташкилоти”га 42-отлик полкининг собиқ раҳбари М. Шомирбоев тарафидан жалб қилинганликда, ташкилот фаолиятида фаол иштирок этганликда, 42-полкнинг сиёсий-партиявий ишларида бузғунчилик фаолияти билан шуғулланганликда, ўзбек ҳарбий кадрлари орасида европа миллатига мансуб ҳарбий қўмондонларни камситишга қаратилган аксилинқилобий миллатчилик руҳидаги ташвиқот юритганликда, ўзбек ҳарбий мутахассисларини миллатчилик руҳида тарбиялаганлик ҳамда уларни аксилинқилобий миллатчи ташкилотга жалб қилганликда айбланди. Аммо унга қўйилган айблар ҳуқуқий жиҳатдан асосланмади, бирорта гувоҳ чақирилмади, А. Абдуллаев билан юзлаштирилмади.

СССР Олий суди Ҳарбий Коллегиясининг 1938 йил 10 октябрда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган сайёр сессиясининг ёпиқ суд мажлисида 19-Ўзбек тоғ-отлик дивизиясининг кўплаб ҳарбий кадрларининг “жиноий иш”лари кўриб чиқилди. Алексеев раис, Батнер котиблигида ўтган бу суд мажлисида Зайцев, Болдирев каби ҳарбий ҳуқуқшунослар иштирок этишди. Суд мажлисида кўплаб ҳамкасблари қатори А. Абдуллаевнинг тақдири ҳал этилди. Суд баённомасида қайд этилишича, унинг суд мажлиси кундузги соат 11 дан 5 дақиқа ўтганда бошланди. Бир эмас 4 нафар ҳарбий ҳуқуқшунос олиб борган бу суд мажлисига одатий суд мажлисларидан фарқли равишда бирорта

⁹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи жорий архиви.

гувоҳ чакирилмасдан, фақатгина айбланувчи А. Абдуллаевнинг ўзи иштирок этди¹⁰. Мажлисида А. Абдуллаевнинг айблов хулосаси ўқиб эшиттирилгач, А. Абдуллаев ўзининг айбдор эмаслигини, дастлабки сўроқ вақтида берган кўрсатмаларини инкор этишини суд раисига билдиради.

Шундан сўнг А. Абдуллаевга қарши унинг ҳамкасблари Х. Шукуров¹¹, М. Абдурахимов¹², М. Рискулов¹³, Ҳ. Исомиддиновлар¹⁴ берган кўрсатмалар ўқиб эшиттирилади. Ўзига қарши ҳамкасблари тарафидан берилган кўрсатмаларга қарши А. Абдуллаев “Юкорида номлари айтиб ўтилган ҳамкасбларим менга номаълум сабабларга кўра тухмат қилишган. Мен ҳеч қачон советларга қарши ташкилот аъзоси бўлмаганман ва бирор бир аксилинқилобий фаолият олиб бормаганман. Менда умуман аксилсовет кайфияти бўлмаган”¹⁵, – дея раддия билдиради.

Яшаш умиди билан ўзининг айбдор эмаслигини ҳар қанча асослашга ҳаракат қилмасин мустабид совет ҳокимияти қатағон сиёсатининг “моҳир ижрочилари” унинг келтирган далиллари, айтган сўзларига қараб ўтиришмади.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи жорий архиви.

¹¹ Шукуров Холмат – 1900 йил Қозоғистон ССРнинг Чимкент шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек, Ҳарбий унвони – капитан. Қамокқа олингунгача 19-Ўзбек тоғ-отлик дивизияси штаби 1-бўлими раҳбарининг ёрдамчиси бўлиб ишлаган. Ўрта Осиё Ҳарбий округи (САВО) махсус бўлими томонидан 1937 йил 17 сентябрда 19-Ўзбек тоғ-отлик дивизиясидаги “аксилинқилобий миллатчилик ташкилоти” аъзоси сифатида қамокқа олинган. 1938 йил 10 октябрда отувга ҳукм қилинган.

¹² Абдурахимов Муҳаммад (Абдурахимўжаев Муҳаммадали) – 1903 йил Наманган вилоятида туғилган. Миллати – ўзбек. Қамокқа олингунгача ВКП(б) аъзоси ва 19-Ўзбек тоғ-отлик дивизияси 42-отлик полки комиссари бўлиб ишлаган. Ўрта Осиё Ҳарбий округи махсус бўлими томонидан 1937 йил 21 октябрда “миллатчи аксилинқилобий ташкилот аъзоси” сифатида қамокқа олинган ва шу муносабат билан партия сафидан ўчирилган. 1938 йил 10 октябрда отувга ҳукм қилинган.

¹³ Рискулов Мирзақул Ризоқулович – 1904 йилда Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳрида туғилган. Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги (НКВД) Қамокқа олингунгача 19-Ўзбек тоғ-отлик дивизиясининг наشري бўлган “Қизил юлдуз” газетасида муҳаррир бўлиб ишлаган. 1938 йил 10 октябрда отувга ҳукм қилинган.

¹⁴ Исомиддинов Ҳамид Ҳамидович – 1902 йил Қозоғистон ССРнинг Туркистон шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. 1925 йилдан коммунистик партия аъзоси. Қамокқа олингунгача 19-Ўзбек тоғ-ўқчи дивизияси 41-отлик полки штабининг раҳбари бўлган. 1938 йил 10 октябрда отувга ҳукм қилинган.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи жорий архиви.

А. Абдуллаев суд томонидан Ўз ССР ЖКнинг 57-2, 64- ва 67-моддалари бўйича айбдор деб топилиб, олий жазо – отишга ҳукм этилган¹⁶. У “халқ душмани” сифатида 1938 йил 10 октябрда отиб ташланди.

А. Абдуллаевнинг ҳарбий соҳадаги хизматлари заминидан миллий ҳарбий қисмлар ҳамда миллий ҳарбий кадрларга эътибор бериш масаласи турарди. У маҳаллий миллат вакилларида ҳарбий мутахассислар тайёрламасдан туриб, Ўзбекистонда ҳарбий соҳани юксалтириш ва таракқий эттириш мумкин эмаслигини яхши англаб етган эди.

Илк ўзбек ҳарбий кадрларидан бири бўлган Абдужалил Абдуллаев ўзининг қисқа умри давомида *Ўзбекистон тарихида дастлабки* миллий ҳарбий қисмларни ташкил этиш, ўзбек миллий ҳарбий кадрларининг янги авлодини етиштириб бериш ҳамда Ўзбекистонда ҳарбий иш таракқийети учун катта хизмат қилди.

Э. РАДЖАПОВ

XX АСРНИНГ 30-ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕК ҲАРБИЙ КАДРЛАР ЭЛИТАСИНИНГ ҚАТАҒОН ЭТИЛИШИ ТАРИХИДАН: АБДУЖАЛИЛ АБДУЛЛАЕВ ТАҚДИРИ

Мақолада ўзбек ҳарбий кадрларидан Абдужалил Абдуллаевнинг шахси ва ҳарбий фаолияти Россия Давлат Ижтимоий-сиёсий тарих (РГАСПИ) архиви ҳамда Россия Давлат ҳарбий архиви маълумотлари асосида тадқиқ этилган. Шунингдек, мақолада совет ҳокимиятининг ўзбек ҳарбий кадрларига нисбатан қатағон сиёсатининг Абдужалил Абдуллаев тақдирига таъсири ёритилган.

Калит сўзлар: Совет ҳокимияти, қатағон, Абдужалил Абдуллаев, ҳарбий академия, Туркистон fronti, ХХСР, ОГПУ, НКВД, “катта қирғин”, қизил армия, қаршилиқ ҳаракати, ҳарбий округ, дивизия.

¹⁶Список лиц, подлежащих суду Военной Коллегии Верховного суда Союза ССР // <http://stalin.memo.ru/names>

Э. РАДЖАПОВ

**ИЗ ИСТОРИИ РЕПРЕССИЙ ЭЛИТЫ УЗБЕКСКИХ
ВОЕННЫХ КАДРОВ В 30-ГОДАХ XX ВЕКА:
СУДЬБА АБДУЖАЛИЛА АБДУЛЛАЕВА**

В данной статье проанализирована личность и военная деятельность узбекского военнослужащего Абдужалила Абдуллаева по материалам Российского государственного архива социально-политической истории и Российского государственного военного архива. В статье также была выявлена репрессивная политика советской власти в отношении узбекских военных кадров и отражение этой политики в судьбе Абдужалила Абдуллаева.

Ключевые слова: советская власть, Абдужалил Абдуллаев, военная академия, Туркестанский фронт, ХНСР, ОГПУ, НКВД, «большой террор», Красная армия, движение сопротивления, военный округ, дивизия.

E. RADJAPOV

**FROM THE HISTORY OF REPRESSION OF ELITE UZBEK
MILITARY STAFF DURING 30-YEARS OF 20TH CENTURY:
THE FATE OF ABDUJALIL ABDULLAEV**

The author in this article has analyzed military activity and personality of Uzbek military personnel named Abdudjalil Abdullayev basing on the materials of Russian State Archive of Socio-Political History and Russian State military Archive. In the article it was also revealed the politics of repression of Soviet power concerning Uzbek military cadre resulting in the destiny of Abdudjalil Abdullayev.

Keywords: soviet government, repression, Abdudjalil Abdullaev, military academy, Turkestan front, XPSR, OGPU, NKVD, “great terror”, red army, resistance movement, military district, division.